

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЁШЛАР ТАДБИРКОРИГИНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

«Адолат» миллий хуқуқий ахборот маркази

Тошкент – 2024

Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича услубий қўлланма. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, – Т.: 2024 й. – 20 б.

Тузувчилар: Р. Расулбекова

Ушбу услубий қўлланма “маҳалла еттилиги” ҳамда кенг аҳоли қатлами учун ишлаб чиқилган бўлиб, қўлланмада ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ҳамда бу борада ажратиладиган субсидия ва белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш тартиби содда тилда баён этилган. **Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.**

МУНДАРИЖА

Кириш	4
Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашни тартибга солувчи қонунчилик хуҗисатлари.....	5
Ёшлар тадбиркорлиги давлат томонидан қандай қўллаб-қувватланади?.....	8
Ёшлар тадбирлорлигини қўллаб-қувватлаш учун қандай имтиёз ва преференциялар мавжуд?.....	9
Ёшлар тадбирлорлигини қўллаб-қувватлашда “маҳалла еттилиги”нинг ўрни.....	13
Хоким ёрдамчисининг асосий вазифалари	14
“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш.....	15
Иловалар	19

КИРИШ

Сүнгги йилларда мамлакатимизда ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлаш ва инвестициялар жалб қилиш борасида қулай шартшароитлар яратиш мақсадида қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бунда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг маҳалалларда аҳоли яшаш шароитини яхшилаш ҳамда жамиятда маҳаллаларнинг ролини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани аҳамиятлидир.

Хусусан, аҳолининг кенг қатламини тадбиркорликка жалб қилиш ва уларнинг даромад манбаларини кенгайтиришга қаратилган “Ҳар бир оила — тадбиркор”, “Ёшлар келажагимиз” ва бошқа ижтимоий дастурлар ҳудудларда аҳолининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, унинг турмуш тарзини яхшилаш ва иш билан бандлигини ошириш учун туртки бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, давлат томонидан ёшларни қўллаб-куватлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш, тадбиркорлик ғоя ва ташаббусларини рағбатлантириш, улар муносиб даромад олиши учун қўшимча шароитлар яратиш учун тадбиркорликка қизиқувчи ёшларни бизнес ва тадбиркорлик қўнимларига ўқитиш ҳамда ёшларнинг янги ғоялар асосида ишлаб чиқилган инновацион, стартап ва бизнес лойиҳаларини молиялаштириш тизимида тинимсиз ислоҳотлар амалга оширилаётганлигини гувоҳимиз.

Ушбу қўлланмада маҳаллаларда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-куватлаш учун ажратиладиган субсидия ва имтиёзлардан фойдаланиш тартиби содда тилда очиб берилган.

Қўлланма аҳоли ва маҳалладаги масъул ходимлар учун фойдали ва манфаатли бўлади деб умид қиласиз.

ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ



Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” қонуни



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига қўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6208-сон Фармони



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4862-сон Фармони



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 312-сон қарори



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 декабрдаги “Ёшларни тадбиркорликка жалб этиш ва уларнинг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 765-сон қарори

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

ёшлар (ёш фуқаролар) – ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар

ёшлар тадбиркорлиги – юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ёш фуқаролар томонидан, шунингдек таъсисчилари ёш фуқаролар бўлган юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти.

“Ёшлар дафтари” – ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик ва бошқа турдаги қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган ёшларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назорат қилиб бориш тизими;

“Ёшлар дафтари” электрон платформаси (электрон платформа) – ёшларга тегишли бўлган маълумотларни жамлаш, таҳлил қилиш, қайта ишлаш тизимини яратиш ҳамда тегишли вазирликлар ва идоралар билан рақамли маълумотлар алмашувини ташкил этиш, ёшларнинг мурожаатлари билан тизимли ишлаш юзасидан чора-тадбирлар самарадорлиги мониторингини олиб бориш имконини берувчи маҳсус электрон платформа;

“Ёшлар дафтари” жамғармаси – “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ташаббусларини рағбатлантириш мақсадида белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек, туман (шаҳар)ларда ташкил этилган жамғарма;

ишиз ёшлар – ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган машғулотга эга бўлмаган, иш қидираётган ва иш таклиф этилса, унга киришишга тайёр бўлган ёхуд касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтишга ёки малакасини оширишга тайёр бўлган, ишга жойлашишда кўмак олиш учун маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилган ва ушбу органлар томонидан иш қидираётган шахслар сифатида рўйхатга олинган меҳнатга лаёқатли ёшлар (бундан таълим ташкилотларида таҳсил олаётганлар мустасно);

ёшлар етакчиси – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 19 январдаги

ПҚ-92-сон қарори билан ҳар бир маҳаллада жорий этилган маҳаллалардаги ёшлар етакчиси;

ҳоким ёрдамчиси – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, ахоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 3 декабрдаги ПҚ-31-сон қарори билан ҳар бир маҳаллада ташкил этилган маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, ахоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси.

ЁШЛАР ТАДБИРКОРИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚАНДАЙ ҚҮЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ?

*“Бугунги тадбиркор ёшлар — Янги Ўзбекистон маҳсули.
Уларнинг билими ҳам, интилиши ҳам янгича”*

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. Мирзиёев

Давлат ёшларнинг иқтисодий мустақиллигини қўллаб-қувватлайди. Ёшлар тадбиркорлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш:

- давлат органлари томонидан ёшлар тадбиркорлигини ташкил этишда кўмаклашиш;
- ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш мақсадида имтиёзли кредитлар бериш;
- ёшларни тадбиркорлик фаолияти асослари бўйича ўқитиш, таълим муассасалари ва иш берувчилар ўртасида ҳамкорликни шартнома асосида ривожлантириш;
- ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш дастурларини ишлаб чиқиши ва рўёбга чиқариш йўли билан амалга оширилади.

Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан қонунчиликка мувофиқ тегишли имтиёзлар ва афзалликлар белгиланади.

Газетадаги хабардан:

Ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш бугунги кунда устувор йўналишга айланди. Мамлакатимизда 30 ёшгача бўлган ёшлар 19 миллиондан ортиқ ёки аҳолининг 55 фоизини ташкил қиласди. Меҳнат бозорига ҳар йили 600 минг ёш кириб келмоқда, келгуси 10 йилда 1 миллионга етади. Охирги уч йилда 250 минг ёшга 6 триллион сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратилди. Мамлакатимиз бўйича 210 та ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ташкил этилди. Ёшлар тадбиркорлиги учун 4 триллион сўмлик 2,5 мингта лойиҳа амалга оширилди. Натижада ёш тадбиркорлар сони 2 карра қўпайиб, 200 мингдан ошди. Ёшларга 43 минг гектар экин майдони ажратилиб, 435 минг ёшларнинг бандлиги таъминланди, 32 мингдан зиёд ёшга субсидия орқали асбоб-ускуна, меҳнат қуроллари ва компьютерлар олиб берилди.

ЁШЛАР ТАДБИРЛОРЛИГИНИ ҚҰЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН ҚАНДАЙ ИМТИЁЗ ВА ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАР МАВЖУД?

Ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларни доимий иш билан банд қилиш, құшимча даромад олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш бүйича қуидаги **имтиёз ҳамда субсидиялар** берилади:



«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилишга зарур бўлган **асбоб-ускуналар ва меҳнат қуролларини харид қилиш** учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **40 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда** «Ёшлар дафтари» жамғармалари ҳисобидан субсидия ажратилади;

«Ёшлар дафтари»га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектларига давлат мулкини ижарага олишда **ижара тўловларидан имтиёзлар** тақдим этилади;



«Ёшлар дафтари»га киритилган тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун бино ва иншоотларни ижарага олган ёш тадбиркорларга **бир йиллик ижара харажатларининг 30 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваригача бўлган миқдори** «Ёшлар дафтари» жамғармалари ҳисобидан компенсация қилинади;

АТ «Халқ банки», АТ «Алоқа банк» ва «Микрокредитбанк» АТБ томонидан «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тугатган ва сертификат олган ёшларга **компьютер** (шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмаган) **харидлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда** истеъмол кредитлари ва микроқарзлар ажратилади;



бунда, истеъмол кредитлари ва микроқарзлар бўйича фоиз тўловлари Давлат бюджетидан Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан компенсация қилинади;



«Ёшлар дафтари»га киритилган дәжқон хўжалиги фаолияти билан шуғулланаётган ёшларга «Ёшлар дафтари», «Темир дафтар» ҳамда «Аёллар дафтари» жамғармалари ҳисобидан **уругликлар ва кўчатларни харид қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 баравари миқдоригача субсидия ажратилади.**

Хуқуқий асос:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги ПФ-6208-сон “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига қўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони

Кредитлар	
“Микрокредитбанк” АТБ	“Ёшлар дафтари”да ҳисобда турган ёшларнинг қатъий навбатма-навбат мурожаат қилиши асосида Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона платформаси орқали ажратилади.
“Агробанк” АТБ	
АТ “Халқ банки” нинг туман (шаҳар) филиаллари томонидан	

Ягона электрон платформа — дастурлар доирасидаги кредитларнинг тўлиқ рақамлашган ҳолда ажратилишини таъминлайдиган Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси (oilakredit.uz).

2022–2024 йилларда ёшларнинг янги ғоялари асосида ишлаб чиқилган инновацион, стартап ва бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун маблағлар “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ (“Ўзмиллийбанк” АЖ) томонидан **1-иловадаги** схемага мувофиқ қуидаги тартибда ажратилади:

1-босқичда — 50 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги маблағлар **2-иловага** мувофиқ тақсимот бўйича худудлар кесимида лойиҳаларни амалга ошириш учун;

2-босқичда — 1-босқичда ажратилган маблағларнинг ишлатилиши самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг таклифига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган тақсимотга асосан 50 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги маблағлар;

Шунингдек, кредитлар қуидаги шартларда ажратилади:

кредит оловчи — қонунчилик хужжатларига мувофиқ ёш тадбиркорлик субъекти бўлиши лозим;

кредит миқдори — ҳар бир ёш тадбиркорлик субъекти учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **1 000 бараваридан 2 000 бараваригача**;

кредит муддати — 7 йил, шу жумладан имтиёзли давр – 3 йил;

фоиз ставкаси — Марказий банкнинг асосий ставкасига teng миқдорда;

кредит таъминоти — қонунчиликда ва банк кредит сиёсатида тақиқланмаган таъминот турлари, жумладан Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кредит суммасининг 50 фоизигача миқдоридаги кафиллиги;

Кредитлар қуидаги мақсадларга ажратилмайди:

- аввал олинган кредитлар ёки бошқа ҳар қандай қарзларни қайтаришга;
- алкоголь ва тамаки маҳсулотларини, шунингдек, чилим ва электрон сигареталарни ишлаб чиқаришга;
- савдо-воситачиликни амалга оширишга;



- умумий овқатланиш ташкилотларининг айланма маблағларини шакллантиришга;
- таъмирлаш-қурилиш ишларига, шу жумладан савдо обьектлари ва умумий овқатланиш обьектларини ташкил этишга;
- ишлаб чиқариш мақсадларидан ташқари харажатлар, шу жумладан маъмурий харажатларни тўлаш ва хизмат автотранспорт воситасини сотиб олишга;
- тиражли, бир лаҳзали ва рақамли лотереяларни ташкил этишга, шунингдек, ушбу мақсадлар учун ускуналар харид қилишга.

Ҳуқуқий асос:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 декабрдаги “Ёшларни тадбиркорликка жалб этиш ва уларнинг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” 765-сон қарори

ЁШЛАР ТАДБИРЛОРЛИГИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА “МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ”НИНГ ЎРНИ

МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ



ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ



МАҲАЛЛА РАИСИ



СОЛИҚ ИНСПЕКТОРИ



ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ



ИЖТИМОЙ ХОДИМ



ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИ



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида" 2021 йил 3 декабрдаги ПФ-29-сон Фармони билан ҳар бир маҳаллада ҳоким ёрдамчиси жорий этилган.



Маҳалла раиси, профилактика инспектори, ижтимоий ходим, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ва солик инспекторилари билан биргаликда ҳоким ёрдамчиси жамоатчилик асосида фаолият юритадиган "маҳалла еттилиги"нинг бири хисобланади.

Ҳоким ёрдамчиси – ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича мутахассис.

ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИННИГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

маҳалладаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни хонадонбай ўрганиш, жумладан **аҳолининг бандлик даражасини**, оиласарнинг даромад манбаларини, томорқа ерларидан фойдаланиш ҳолатини ҳамда даромадли меҳнатга бўлган интилиши ва эҳтиёжларини таҳлил қилиш

маҳаллада **тадбиркорликни ривожлантиришнинг ички имкониятлари**, тадбиркорлик бўйича ихтисослашув ва меҳнат ресурсларини инобатга олган ҳолда, уни ривожлантиришга туртки берадиган омиллар ва йўналишларни белгилаш, уларни ишга солиш орқали маҳалланинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш

маҳалладаги мавжуд бўш иш ўринларини ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг мавсумий ишчиларга бўлган талабини аниқлаш орқали ишсизларни, биринчи навбатда, «темир дафтар», «аёллар дафтари» ва «ёшлар дафтари»га киритилган ёшлар ва хотин-қизларни бўш (вакант) иш ўринларига жойлаштириш ҳамда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш

маҳаллада истиқомат қилувчи аҳолининг оиласий тадбиркорлигини ривожлантириш, жумладан уларнинг ҳунармандчилик, касаначилик, томорқадан самарали фойдаланиш, кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа турдаги фаолиятни йўлга қўйиши учун оиласий тадбиркорлик дастурлари доирасида **кредитлар олишда кўмаклашиш**

маҳалланинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, кооперация асосида тадбиркорларга **имтиёзли кредитлар ажратишни ташкил этиш**, уларга тадбиркорлик билан мустақил шуғулланиш тажрибасига эга бўлмаган фуқароларни ўз фаолиятини йўлга қўйиши учун уларга биректириш

аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, уй шароитида **дехқончилик, чорвачилик, паррандачилик, қуёнчилик, асаларичилик, уруғчилик, кўчатчилик, гулчилик** каби фаолият турларини йўлга қўйишига кўмаклашиш

маҳалладаги иш билан банд бўлмаган аҳолининг тадбиркорлик ва доимий даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланишини йўлга қўйиши мақсадида уларга иссиқхона куриш, томорқасини суғориш учун вертикал суғориш кудуқларини бурғилаш, қишлоқ хўжалиги кооперативига аъзо бўлиш, асбобускуна ва меҳнат қуролларини харид қилиш, бино ва иншоотнинг ижара тўлови ҳамда касб-хунар ва тадбиркорликка ўқиши учун **субсидиялар олишда кўмаклашиш**

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга тўсиқ бўлаётган муаммоларнинг (муҳандислик-коммуникация тизимларига уланиш ва улардан фойдаланиш, турли хил фаолиятни йўлга қўйиши учун рухсатномалар ва лицензиялар олиш, бўш бино ва ер майдонларини тадбиркорлик билан шуғулланиш учун ажратиш ва бошқалар) тегишли ташкилотлар томонидан ҳал этилишини ташкил этиш

“ЁШЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАН ЁШЛАРНИ ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ҚИЛИШ

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишида кўмаклашиш қуидаги йўналишларда амалга оширилади:

 Савдо-саноат палатаси ва “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси томонидан:

48 соатлик (ҳафталик) ўқув дастури асосида ўқув курсларида тадбиркорликка бепул ўқитилади;

ўқув курсларини муваффақиятли битириб, сертификатга эга битиувчиларнинг ўзини ўзи даромадли меҳнат билан банд қилиш ёки уларнинг доимий меҳнат билан бандлигини таъминлашга (иш ўринлари яратишга) қаратилган лойиҳаларини тузиш ва амалга оширишга кўмаклашади;

 “Микрокредитбанк” АТБ, “Агробанк” АТБ ва АТ “Халқ банки”нинг туман (шаҳар) филиаллари орқали тадбиркорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратилади.

Маълумот учун. “Микрокредитбанк” АТБ “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларга кредит олишда кўмаклашиш, бу масалада республикада ажратилган кредитларнинг статистик ҳисботини юритиш ва кредит ажратилгандан сўнг уларнинг тадбиркорлигини ривожлантириш учун доимий қўллаб-куватлаш борасидаги амалий ишларни мувофиқлаштиришга **масъул** ҳисобланади.

 Кредитлар “Ёшлар дафтари”га киритилган ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга йўналтирилади.

Бунда:

➤ тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахсларга, шу жумладан, ёшларга ўз бизнесини ташкил этиш учун **33 миллион сўмгача** бўлган миқдордаги кредитлар **гаровсиз**;

➤ кичик тадбиркорлик субъектларига учинчи шахс кафиллиги, сурурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулк гарови

ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа таъминот турлари асосида **225 миллион сўмгача** миқдорда кредитлар ажратилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Конунининг 5-моддасида кичик тадбиркорлик субъектларига кирувчи тадбиркорлик фаолиятлари келтирилган..



Буни билиш муҳим!

Кредитларни илгари олинган кредитлар ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтаришга, шахсий эҳтиёж учун автотранспорт сотиб олишга, маъмурий харажатларни тўлашга, жумладан, автотранспорт воситасининг таъминоти, мебель, алоқа хизматлари тўлови ва уяли телефон сотиб олишга ҳамда қонунчилик ҳужжатлари ва Марказий банкнинг қоидаларига кўра тақиқланган фаолиятларга ажратишга йўл қўйилмайди.

Кредитлар **ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида 14 фоизлик** ставкада:

❖ оиласиий тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган ёшларга – **3 ойдан 6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилгacha муддатга;**

❖ чорвачилик (четдан келтирилган наслии қўй ва эчки), балиқчилик ва паррандачилик (тухум йўналиши) учун – **1 йилгacha бўлган имтиёзли давр билан 3 йилгacha муддатга;**

❖ боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ташкил этиш, иссиқхона, қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналарни харид қилиш учун – **3 йилгacha бўлган имтиёзли давр билан 7 йилгacha муддатга** ажратилади.

❖ Кредитлар қарз олувчининг ссуда ҳисоб рақамидан кредит шартномасида белгиланган мақсадлар учун тегишли ташкилотларнинг банкдаги ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан ажратилади.

Маълумот учун. “Ёшлар дафтари”га киритилган ва ўзини ўзи банд қиласидаган ёшларга айrim турдаги фаолиятни амалга ошириш (касаначилик, ҳунармандчилик, иссиқхона қуриш ва шу кабилар учун зарур хом ашё, эҳтиёт қисм ҳамда қурилиш молларини сотиб олиш) мақсадида **5 миллион сўмгача миқдорда кредит маблағлари нақд пулда берилиши мумкин.**

Online-mahalla.uz Smart-market.uz

Oilakredit Online credit bureau and financial institution

Лойиха ҳақида Бизнес режалар Янгиликлар Богланиш

Техник ёрдам Узбек +998 78 777 84 84 Шахсий кабинет

Ўз оилавий бизнесингизни бошланг

Оилавий тадбиркорлик, даромад топишга қартилган муайян меҳнат фаолияти билан шугулланыш ва фаолият турини кенгайтириш учун имтиёзи кредитлар.

Ариза юбориши Ариза холатини текшириши
Кредитни хисоблаши

6 ойгача имтиёз давр 18% Оилавий тадбиркорлик	1 йилгача имтиёз давр 18% Балиқчилик	3 йилгача имтиёз давр 18% Деҳқон хўжаликлари	3 йилгача имтиёз давр 18% Хунармандчилик
--	---	---	---

Oilakredit Online credit bureau and financial institution

Лойиха ҳақида Бизнес режалар Янгиликлар Богланиш

Техник ёрдам Узбек +998 78 777 84 84 Шахсий кабинет

Тадбиркорлар учун тижорат кредитлари

Йўналишни танланг:

Барчаси Саноат Қишлоқ хўжалиги Курилиш Хизмат кўрсатиш Алоқа, транспорт Савдо

MKBANK

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги исталған (пахта ва буғдорий...)

Маблаг мидори **5 000-250 000 000** Муддати **36-84 ой**
Валюта **USD** Фоизи **5-10 %**

Багафсил ➔

MKBANK

Бизнес онлайн-2

Маблаг мидори **100 000 000** Муддати **12 ойгача**
Валюта **UZS** Фоизи **24 %**

Багафсил ➔

MKBANK

Ёш тадбиркорларни кўллаб-куватлаш жамғармаси маблағлари...

Маблаг мидори **Шартномага мувофиқ** Муддати **84 ойгача**
Валюта **UZS, USD, EURO** Фоизи **14 %**

Багафсил ➔

HAMKORBANK

Бизнесни ривожлантириш учун микроқарзлар

HAMKORBANK

Экспресс микроқарз

Активация Windows
Чтобы активировать Windo
Тезкор ➔

 “Ёшлар дафтари”га киритилган, бироқ **кредит олишни рад қилган ёшларнинг доимий бандлигини таъминлаш** мақсадида тадбиркорлик субъектларининг “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни иш билан бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларига Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастури доирасидаги ресурслар ҳисобидан йиллик **14 фоизлик** ставкада имтиёзли кредитлар ажратилиши мумкин.

Бунда **кичик тадбиркорлик субъектлари** томонидан “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни доимий иш билан таъминлаш шарти билан самарадорлиги юқори ва барқарор иш ўринлари яратишга қаратилган лойиҳаларига Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастури доирасидаги ресурслар ҳисобидан **225 миллион сўмдан ортиқ, бироқ 1 миллиард сўмдан кўп бўлмаган миқдорда** белгиланган тартиб асосида кредит ажратилиши мумкин.

Маълумот учун. Кредит суммасининг аниқ миқдори тадбиркор томонидан иш билан таъминланадиган **ҳар бир ёш учун 33 миллион сўмгача** миқдорда мутаносиб равища белгиланади.

Савдо-саноат палатаси

“Yoshlar – kelajagimiz”
жамғармасининг ҳудудий
бўлинмалари

жойларда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдирган ёшларнинг тадбиркорлик кўнкимларини ошириш ва бизнес лойиҳаларини тузишга кўмаклашади.

Хуқуқий асос:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 7 июндаги “Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 312-сон қарори

ИЛОВАЛАР

1-илова

Ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш ва уларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш СХЕМАСИ

Босқич

Чора-тадбирлар

Муддат

I. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагидаги ёшларни танлаб олиш, ёшларда бизнес кўнималарини шакллантириш ва уларни тадбиркорликка ўқитиш жараёни

**1-
босқич**

Ёшлар ишлари агентлиги, Савдо саноат палатаси ва тижорат банклари томонидан республикамизнинг барча худудларига чиққан ҳолда жойларда ёшлар билан очиқ мулоқотлар, семинар-тренинглар ўтказиш орқали тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги ёшларнинг рўйхати шакллантирилади.

Ёшлар ишлари агентлиги томонидан шакллантирилган рўйхат ёшларда бизнес кўнималарини шакллантириш ва уларни тадбиркорликка ўқитиш учун Савдо саноат палатасига тақдим этилади.

Савдо саноат палатаси томонидан тадбиркорлик билан шуғулланиш истагидаги ёшлар тадбиркорлик кўнималарини шакллантириш курсларида бепул, шу жумладан «онлайн» тарзда ўқитилади.

Тадбиркорликка ўқитиш курсларини муваффақиятли тугатган ёшларга «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармаси томонидан сертификат тақдим этилади.

Доимиј
равиша

II. Ёш тадбиркорларнинг бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқиши

**2-
босқич**

Тадбиркорликка ўқитиш курсларини муваффақиятли тугатган ва «Yoshlar — kelajagimiz» жамғармасининг маҳсус сертификатини олган ёшлар қонунчиликда белгиланган тартибда ёш тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтказилади.

Реал вақт
режимида

**3-
босқич**

Ёш тадбиркорлик субъекти томонидан инвестиция лойиҳасига доир таклифлар ишлаб чиқилади.

Реал вақт
режимида

**4-
босқич**

Худудлардаги «Лойиҳалар фабрикаси» томонидан Ёш тадбиркорлик субъектининг лойиҳа-таклифлари асосида лойиҳа бизнес-режаси ишлаб чиқилишида амалий ёрдам кўрсатилади.

10 календарь
куни

5- босқич	<p>«Ўзмиллийбанк» АЖ молиявий ресурслар жалб қилиш учун қонунчиллик хужжатларида белгиланган тартибда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан бош келишув тузади ва маблағ ажратиш бўйича буюртманома киритади.</p>	3 иш куни
6- босқич	<p>Ёш тадбиркорлик субъекти инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун кредит олиш мақсадида «Ўзмиллийбанк» АЖнинг энг қулай филиалига мурожаат қиласди ва белгиланган хужжатлар тўпламини (ариза, таъсис хужжатлари, бизнес-режа, товар ёки хизматлар харид қилиш бўйича олди-сотди шартномаси, гаров ҳужжатлари, тадбиркорлик курсларида ўқиганлик тўғрисида сертификат) тақдим этади.</p>	10 иш куни
7- босқич	<p>Банк Кредит қўмитаси Ёш тадбиркорлик субъекти томонидан тақдим этилган лойиҳа ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, лойиҳани молиялаштириш юзасидан қарор чиқаради. Кредит ажратиш рад этилган ҳолларда бу тўғрисида банк томонидан аризачига маълум қилинади.</p>	2 иш куни
8- босқич	<p>Банк томонидан лойиҳани молиялаштириш бўйича ижобий қарор қабул қилинганда, қарз олувчи билан кредит шартномаси, гаров ва суғурта ҳужжатлари расмийлаштирилади.</p>	3 иш куни
9- босқич	<p>Ёш тадбиркорлик субъектининг тўлов топшириқномасига асосан товар етказиб берувчи / хизматларни тақдим этувчи ташкилот ҳисобварағига кредитларини ўтказиб беради. Кредит 7 йил муддатга, 3 йил имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 (270 млн сўм) баробаридан 2000 баробаригача (540 млн сўм) миқдорида ажратилади.</p>	10 иш куни
10- босқич	<p>Тижорат банки томонидан кредит ажратиш рад этилган ҳолларда «Лойиҳалар фабрикаси» билан биргалиқда мавжуд камчиликларни бартараф этган ҳолда лойиҳани янада пухта ишлаб чиқади ва тижорат банкига такроран тақдим этади.</p>	10 иш куни
11- босқич	<p>Тижорат банки Ёш тадбиркорлик субъектига ажратилган кредитнинг мақсадли ишлатилиши юзасидан кредитдан фойдаланишнинг муддати давомида мониторингни амалга оширади.</p>	Кредит сўндирилгунга қадар

2-илова

Ёшларнинг янги ғоялар асосида ишлаб чиқилган инновацион, стартап ва бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ажратиладиган маблағларнинг худудлар кесимидағи

ТАҚСИМОТИ

T/p	Худуд номи	Жами: 100 млн АҚШ доллари эквивалентида
		Шундан, 1-босқичда: 50 млн АҚШ доллари эквивалентида (млн долларда)
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	2,4
2.	Андижон вилояти	5,0
3.	Бухоро вилояти	2,7
4.	Жиззах вилояти	2,2
5.	Навоий вилояти	1,5
6.	Наманган вилояти	4,3
7.	Самарқанд вилояти	5,7
8.	Сирдарё вилояти	1,3
9.	Сурхондарё вилояти	3,9
10.	Тошкент вилояти	4,3
11.	Қашқадарё вилояти	5,0
12.	Фарғона вилояти	5,5
13.	Хоразм вилояти	2,7
14.	Тошкент шаҳри	3,5